

Jamiyat

СУВ БОРКИ,
ҲАЁТ БОР

СУВ – ТИРИКЛИК МАНБАИ. СУВСИЗ ҲАЁТ ЙЎҚ. АММО ҲАВЗАЛАР, АТРОФ-МУҲИТ ИФЛОСЛАНИШИ, ЎРМОНЛАР КЕСИЛИШИ ИЧИМЛИК СУВИ МАНБАЛАРИ ҚИСҚАРИБ КЕТИШИГА ОЛИБ КЕЛАДИ.

Ҳозирги пайтда Африкадаги энг баланд чўққи музликларини сақлаб қолиш бўйича тажрибалар ўтказилди. Зимбабвеллик бир гуруҳ мутахассислар музни қуёш нуридан асраш учун махсус пластик тўсиқлар билан ёпишди. Чунки ана шу музликлар ер юзидан биринчилардан бўлиб йўқолиши хавфи бор.

Ичимлик сувини пластик идишларда сотиш бугун жуда ривожланиб бораётган тадбиркорлик турига айланиб қолди. Ҳозирги пайтда

дунё миқёсида йилига 100 млрд литрдан зиёд ичимлик суви сотилапти. Сув сотишдан келаётган даромад йилига бир триллион доллар бўлиб, бу нефт компаниялари даромадининг 40 фоизини ташкил этар экан.

Инсон бир кеча-кундузда ёшига қараб 1 литрдан 3 литргача сув истеъмол килади. Организмдаги сув доимо янгиланиб туради: катта ёшли одамда 15 кун мобайнида, болаларда эса 35 кун ичида барча сув молекулалари янгиланади. Бўйрак, ўпка ва тери сув алмашинувида фаол иштирок этади. Ҳаво ҳарорати юқори бўлиши билан 45 литр сув терлаш орқали чиқиб кетади. Шу муносабат билан организмнинг сувга бўлган эҳтиёжи янада ортади.

Йўқотилган сув миқдори ошгач одам ўзини ёмон ҳис қила бошлайди. Организм 10 фоиз сувни йўқотиши моддалар алмашинуви жараянларига таъсир кўрсатади. Ҳаво ҳарорати сезиларли даражада тушиб кетганда 25 фоиз сув чиқиб кетса, бу ҳолат ўлим хавфини туғдириши мумкин.

Организмнинг сувга бўлган эҳтиёжи чанқоқлик орқали акс эттирилади. Чанқоқлик белгилари марказий асаб системаси чанқов марказининг қўзғалиши натижасида келиб чиқади. Бир суткада чанқоқни босиш учун истеъмол қилинадиган сув миқдори иш қобилиятига эга кишиларда 2,54 литрни ташкил этади.

Санитария гигиена жиҳатдан сув инсоннинг физиологик талабини қондиришдан ташқари маиший хўжалик ва ишлаб чиқариш эҳтиёжларига ҳам сарф бўлади. Юз-қўлни ювиш, гигиеник душ қабул қилиш, овқат тайёрлаш, кир, идиш-товоқ ювиш, уй-жой, жамоат биноларини тоза сақлаш, яшил ўсимликларни суғориш учун ҳам сув керак. Шундай экан уни ифлосланишдан ҳимоя қилиш ва тежаш ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Сувни тежаш, азизлар...



Эркин УЛУФОВ,
Навоий Абу Али ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги тиббиёт техникуми ўқитувчиси, жамоатчилик асосида касаба уюшмаси кўмитаси раиси

МЕҲНАТ ВА МАҚСАД
БИРЛАШСА...

Ҳаёт – бу ҳаракатдан иборат. Инсон ҳаёти давомида турли орзулар, ниятлар ва режалар билан яшайди. Аммо бу орзуларни амалга ошириш учун ягона куч мавжуд – бу меҳнатдир. Бироқ меҳнатнинг ўзи ҳам, агар у аниқ мақсад билан йўналтирилмаса, самарасиз бўлиши мумкин. Демак, инсон ҳаётида ютуққа эришиш учун меҳнат ва мақсад бирлашиши зарур.

Мақсад – йўл кўрсатувчи юлдуз: мақсад – бу инсон ҳаётини мазмунли қиладиган, унга йўналиш берадиган асосий омилдир. Мақсадсиз инсонни йўлдан адашган кема билан таққослаш мумкин. Қаерга кетаётганини, нимага интиляётганини билмаган одам ўз салоҳиятини тўлиқ очиб бера олмайди. Мақсад эса бу салоҳиятни уйғотади, уни ҳаракатга келтиради.

Меҳнат – мақсад сари йўл: мақсадни белгилаб олиш етарли эмас – унга етишиш учун тинимсиз меҳнат керак. Ҳар қандай муваффақият, ҳар қандай ютуқ ортида катта меҳнат, сабр-тоқат ва фидойилик ётади. Меҳнат қилмасдан, ҳаракатга ўтмасдан туриб, орзуларни рўёбга чиқариб бўлмайди.

Иккиси бирлашса – натижа муқаррар: тарихга назар солсак, буюк олимлар, санъаткорлар, ихтирочилар, спортчилар ва бошқа кўплаб ютуқларга эришган инсонлар ҳар доим аниқ мақсадга эга бўлган ва тинмай меҳнат қилганлар. Уларга муваффақият ўз-ўзидан келмаган – улар бунга ўз билими, сабр-тоқати ва ҳаракати билан эришган. Шу сабабли, меҳнат ва мақсад бирлашгандагина инсон чинакам муваффақият сари йўл олади. Бугунги кунда ёшлар олдига имкониятлар кенг. Аммо бу имкониятлардан тўғри фойдаланиш учун ҳар бир ёш аввало ўз олдига мақсад қўйиши, сўнг эса уни амалга ошириш учун астойдил меҳнат қилиши керак. Фақат шундангина ҳаётда из қолдириш, орзуларни ҳақиқатга айлантириш мумкин бўлади. Мақсадли меҳнат – ютуқнинг калитидир.



Бунёд АБРАЕВ,
Чирчиқ давлат педагогика университети ўқитувчиси

ИШОНЧНИНГ
БАҲОСИ
БИР НЕЧА
МИЛЛИАРДМИ?

СУД ЗАЛИ. БУ ЕРДА ЖАМ БЎЛГАНЛАРНИНГ НИГОҲИДА САВОЛ. ПАНЖАРА ОРТИДА ЎТИРГАН ИНСОНЛАРНИ ФИРИБ ЙЎЛИГА ОЛИБ КИРГАН НАРСА НИМАДА – НАФСМИ ЁКИ ОДАМЛАРНИНГ ҲАДДАН ЗИЁД ИШОНУВЧАНЛИГИМИ?

Айбланувчилар курсида ўтирган йигит – Дилшод Уралов (исм-шарифлар ўзгартирилди). Унинг ёнида онаси – Севдо Уралова. Бир вақтлар бу оила тадбиркор сифатида танилган, уй-жой қурилиши билан шуғулланмоқчи бўлган. Ўзлари очган компаниялар орқали одамларга янги ҳаёт, янги уй ва орзу қилган қулайлик ваъда қилинган.

Дилшод ва унинг атрофидагилар гўёки қурилиш компанияси ташкил этди. Реклама баннерлари, ижтимоий тармоқлардаги саҳифалар, мотивация уйғотувчи суҳбатлар – барчаси одамларни ишонтириш учун хизмат қилди. «Арзон ва қулай уйлар, узоқ муддатли тўлов!» – деган сўзлар юзлаб оилаларни умидга солди. Болаларининг келажаги учун йиққан ҳар сўмини олиб келганлар ҳам бор. Лекин уларнинг маблағи ҳеч қандай уй қурилишига эмас, балки ташкил этилган уюшган гуруҳнинг шахсий манфаатига сарфланди.

Тергов материалларига кўра, Дилшод Уралов ва унинг ҳамроҳлари қарийб ўн тўққиз миллиард сўмдан ортиқ маблағни ўзлаштиришган. Ушбу пуллар юзлаб фуқароларнинг меҳнат билан топган тирикчилик маблағи, умид ва орзулари эди. Жиноят иши ҳужжатларига кўра, айбланувчи жиноятни мукамал режалаштирган. Ҳатто банкка тақдим этиладиган ҳужжатлар ҳам қалбакилаштирилган.

Суд экспертизаси шуни кўрсатдики, шартномалардаги айрим имзолар аслида уй олаётган шахсларга тегишли эмас – улар Дилшоднинг ўзи томонидан сохталаштирилган. Бу эса унинг жиноятни онгли, режали равишда амалга оширганини тасдиқлайди.

Ҳақиқатни излаган умидлар, яъни жабранувчиларнинг дардини уларнинг гапларидан ҳам билиб олиш мумкин. Тергов-суриштирув ишлари жараёнида аниқланган маълумотларга кўра, жабранувчилар орасида ҳаётда мустақил қадам ташлашни бошлаган ёш оила ҳам мавжуд. Улар учун янги ҳаёт босқичи, умид ва интилишлар даври сифатида бошланган эди. Яқинда улар орзуси амалга ошириб, фарзандли ҳам бўлишган. Шунингдек, ўзларига шахсий уй-жой харид қи-

лиш ниятида ҳар бир тийинни аниқ мақсад йўлида жамғариб келаётган эдилар. Оилани бахтли келажак сари олиб бориши керак бўлган ният, афсуски, оғир синовга дуч келди. Улар тўловни амалга оширган, аммо орзу қилган уй на қўлларига теги, на пуллардан дарак бор.

Яна бир жабранувчи – катта ёшдаги аёлнинг гапларида ҳам шунчаки мол-мулк эмас, балки ҳаётга бўлган ишончнинг йўқолгани намоён бўлади.

– Бир умр меҳнат қилиб, тинчгина қарилгани ўз уйимда ўтказаман деб ўйлагандим. Йиғиб-терганим, болаларим учун асраб келганим – ҳаммаси бир лаҳзада йўқ бўлди. Энг ёмони, биласизми нима – одамларга бўлган ишончнинг дарз кетгани, – дейди афсус билан.

Аммо бу иш фақат мана шу фирибгарлик атрофидаги гап эмас. Бу – бутун жамият учун сабоқ. Чунки бугун фирибгарлик нафақат кўчада, балки интернетда, рекламада, офисларда ҳам юз бермоқда. Ҳар бир ёзув, ҳар бир «фирма номи» ишонч уйғотадиган бўлса-да, одамлар энди савол беришни, текширишни, ҳужжатларни ўқишни ўрганиши керак. Қонунни яхши биладиганлар билан маслаҳатлашиб иш қўриши лозим бўлади.

Соддалик кимлар учундир яхши сифатдир, аммо ҳаддан ортиқ ишонувчанлик – жиноятчиларнинг қуролига айланиши мумкин. Судда ҳукм ўқиб эшиттирилди. Айбланувчиларнинг эса боши ҳам. Лекин бир аниқ нарсани аниқ, ишончли миллиардларга сотган инсонларнинг топгани буюрмайди.

Суд фақат жазо ҳақида эмас – ишонч ҳақида қарор чиқарди. Бу иш ҳар бир фуқаро учун огоҳлик қўнғироғи бўлмоғи лозим. Чунки ишонч – пулдан ҳам қиммат, уни йўқотиш – бутун жамият учун қора доғдир.



Бахтиёр ГИЯСОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ ҳузуридаги Тергов бошқармаси катта терговчиси, капитан. Сарвар СОБИРОВ,
журналист